

**2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

**Матбуот анжумани**

**СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ –  
УСТУВОР ВАЗИФА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳиятига бағишланди.



даражада камайтириш мумкин. Шу сабабли, мамлакатимизда сейсмик хавфнинг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш ва соҳада аниқ мақсадга йуналтирилган дастурларни амалга ошириш жуда зарурдир. “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

Унда Ўз ФА илмий тадқиқот институтлари раҳбарлари, Қурилиш ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари мутасаддилари иштирок этдилар.

Тадбирда Ўз ФА вице-президенти Сирожиддин Мирзаев, Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Содиқов, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори Карим Султонов, ФВВ Академияси Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи ўринбосари Бобомурод Курбонов ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг 78 % ер майдони сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган бўлиб, “MSK – 64” шкаласи бўйича 6 ва ундан юқори баллик ер силкинишлари доимий равишда содир бўлиши кузатилади. Дунёдаги кучли zilzilalar оқибатлари шуни кўрсатадики, агар ҳудудлардаги сейсмик хавфни баҳолаш ўз вақтида ўтказилса, уни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ва режалар тайёрланса ҳамда улардан самарали фойдаланилса, аҳоли учун фалокат кўрсаткичи ва моддий зарар қийматини сезиларли

тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги Президент фармони айнан ушбу йўналишдаги хайрли ва свобли ишларни, эзгу ташаббусларни кўзда тутуди, албатта.

Тадбир давомида иштирокчилар мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга масъул мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

ФВВ Матбуот хизмати.

**САМИМИЙ ИЗҲОРЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев номига Қирғиз Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Б.Ажикеев томонидан миннатдорлик мактуби йўлланган.

Мазкур мактубда 2022 йил 21 май куни қирғиз-ўзбек чегарасидаги “Чечме” чегара-назорат пунктида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги масъул раҳбарлари ва қутқарувчи ходимларига улкан миннатдорлик билдирилган.

Шунингдек, миннатдорлик хатида ўзбекистонлик қутқарувчиларнинг алоҳида эътирофга сазовор бўлган ўзига хос касбий тайёргарлиги ва тажрибасига юқори баҳо берилиб, келгусида ўзаро ҳамкорлик тадбирларини янада ривожлантириб боришга улкан умид ҳамда ишонч билдирилган.

\* \* \*

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани “Ойбек” МФЙ раиси Ҳусниддин Гофуров ҳам Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири номига миннатдорлик хати юборган.

У ўз хатида туман тоғли ҳудудда чорва молларини боқиб, бедарак йўқолган фуқарони излаш билан боғлиқ қидирув-қутқарув ишларида жонбозлик кўрсатганлиги учун, аввало, Қашқадарё вилояти ФВБ раҳбарияти ва шахсий таркибига, шу билан бирга, бугунги кунда элу юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида кеча-ю кундуз фидойилик билан хизмат олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ФВБ раҳбарияти ва шахсий таркибига улкан миннатдорлик билдирилган.

Албатта, бу каби самимий изҳорлар бугунги кунда юртимиз халоскорларининг матонат ва жасорат кўрсатиб, халқимиз ишончини оқлаб келаётганликлари, ҳар лаҳзада муқаддас бурчларига садоқат билан хизмат қилаётганликларининг яққол намунаси дир.

ФВВ Матбуот хизмати.



**ТАЛАБАЛАР БИЛАН СУҲБАТ**

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида “Қурилиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш” мавзусида талабалар ва мутахассисларнинг учрашуви ташкил қилинди.

Унда ФВВ Матбуот хизмати бошлиғи ўринбосари подполковник С.Хикматуллаев, вазирлик Бирлашган таҳририяти масъул котиби Б.Валиевлар иштирок этиб, кун тартибидаги мавзу бўйича маъруза қилдилар.

Қизгин ва самимий руҳда кечган машғулота фавқулодда вазиятлар, уларнинг турлари, юзага келганда тўғри ҳаракатланиш, оқибатларини бартараф этиш юзасидан талабаларга бир қатор тавсия ҳамда кўрсатмалар берилди.

Талабалар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олиб, фуқаро муҳофазасига оид билим-малакаларини янада мустаҳкамладилар.

Тадбир якунида фаолиятда кенг фойдаланиш учун “Муҳофазат” журнали ҳамда “Vaziyat” газетаси нашрларидан намуналар тақдим қилинди.

Иқболжон АШУРМАТОВ,  
институт тьютори.

## ИНТИЗОМ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Қарши ҳарбий прокуратураси томонидан назорат объектларида мунтазам равишда вилоятнинг қатор мутасадди идора ва органлари билан ҳамкорликда йўл ҳаракати қоидаларининг мазмун-моҳияти, унга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар тушунчасини тарғиб қилишга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.



Айниқса, бу каби тадбирларни ёшлар ўрасида ўтказиш, уларга ёшлиқдан оқ йўл ҳаракати қоидаларига иттифоқлик руҳини сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳрисабз шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейида ўтказилган навбатдаги тадбир ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. “Йўл ҳаракати интизоми болалиқдан бошланади” деб ном

олган мазкур тадбирда Қарши ҳарбий прокуратураси прокурор-тергов ходими, вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори ва бошқа мутасаддилар иштирок этиб, ёшларга “Йўл ҳаракати қоидалари” мазмуни, йўл-транспорт ҳодисаларининг аянчли оқибатлари ҳақида батафсил тушунчалар берилди, шунингдек, йўлларда ҳайдовчи ва пиёда сифатида ҳаракатланиш қоидалари назарий ва амалий усулларда кўргазмалар намойиш қилинди.

Тадбирда ўқувчилар бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Собир АШРАПОВ,**  
Қарши ҳарбий прокурорининг  
ўринбосари, адлия подполковниги.

Навоий ҳарбий прокуратураси, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши ва янги ташкил этилган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда Кармана туманидаги 14-умумтаълим мактабида маҳалла ёшлари учун ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди.



Фестиваль доирасида ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалари кўргазмаси ташкил этилди.

Ҳарбий оркестр жамоаси томонидан ижро этилган Ватанни тараннум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан намойиш этилган қўл жанги ва фахрий қоровулнинг кўргазмалари чиқишлари йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади.

**Қахрамон ИСРОИЛОВ,**  
Навоий ҳарбий прокурори,  
адлия подполковниги.

Фуқароларимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун уларнинг муаммоларини жойига чиқиб, бевосита ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш масаласи бугун ҳар бир давлат органи вакили олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

## САМАРҚАНДДА САЙЁР ҚАБУЛ



Президентимизнинг шундай олий мақсад йўлидаги тегишли топшириқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари Сарвар Муҳитдинов ва Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Комил Абдужалилов бошчилигида Самарқанд шаҳрида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Унда мутасадди идора ва турли соҳа мутахассислари жалб этилиб, 200 нафардан ортиқ фуқаронинг 65 та мурожаати қабул қилинди.

Мурожаатларнинг 39 тасига қонуний тушунтириш берилди, ўрганиш учун қўшимча вақт талаб этадиган 4 та мурожаат назоратга олинган ҳолда тегишли мутасадди идораларга йўналтирилди, 22 та мурожаат эса жойида ҳал этилиб, қаноатлантирилиши таъминланди.

Тадбир давомида ФВВ тизимида ҳарбий хизматни ўтаб келаётган 11 нафар ходим фарзандларига олий ўқув юртига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар ва 2 нафар ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвонлар тантанали равишда топширилди.

**Сардорбек ЁРМАТОВ,**  
Республика Ҳарбий прокурорининг  
ёрдамчиси, адлия подполковниги.



Наманган вилоятидаги академик лицейда ёшлар иштирокида тантанали тадбир ўтказилди.

Кўтаринки руҳда кечган мазкур тадбирда жамоада муносиб обрў-эътиборга эга бўлиб, миллий армиямиз сафларида кўп йиллик меҳнати ва ўзининг намунали хизмати билан ҳурмат қозонган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига тантанали равишда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун қўшимча имтиёз берувчи тавсияномалар берилди.

Тадбирда сўз олган вилоят ФВБ бошлиғи К.Аҳмедов ва ҳарбий прокуратура ходими

давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган шарт-шароит ва берилаётган бу каби имкониятлар уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар инъикоси эканлигини таъкидлаб, ёшларга омад ва зафарлар тилади.

**Давлатёр РАҲМОНОВ,**  
Наманган ҳарбий прокурори,  
адлия подполковниги.

С.С. нинг қарамоғида уч нафар фарзанди бор. Бироқ у болаларини ўйламади. С.С. муқаддам фирибгарлик ва бошқа қилмиши учун олти марта судланган бўлса-да, хулоса чиқармади. 2001 йил суднинг ажрими билан жазонинг ўтолмаган қисмидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган С.С. яна жиноятга қўл урди. У ўзганининг мулкани фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида эски танишини алдайди. Шу мақсадда у кунларнинг бирида жабрланувчининг олдига боради.

— Сиз менинг қадрдон дугонам бўласиз. Олдингизга бир масалада келдим.

— Эшитаман, айтаверинг, -дейди таниши.

## ФИРИБГАР АЁЛ

Бугун аёлларимиз ҳар жабҳада фаол. Улар ишлаб чиқаришда, таълимда, тиббиётда қисқаси, барча соҳаларда жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилишмоқда. Бироқ улар орасида камдан-кам бўлса-да нотўғри иш қилаётганлар учраб турганлиги афсусланарли ҳолат.

— Сизга айтсам, бир бизнес қилмоқчиман. Хитойдан автомашина эҳтиёт қисмларини олиб келиб сотмоқчиман. Бунинг учун эса 20 000 АҚШ доллари керак. Пулни ўн кунда сизга қайтараман.

Орадан ўн кун ўтди. Ой ҳам тугади. С.С. танишининг телефонларига жавоб бермай қўйди. Тоқати тоқ бўлган аёл С.С.ни устидан чора кўришларини сўраб ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи органларга ариза ёзади.

Сўраб-суриштирув жараёнида маълум бўлдики, С.С. “эски хунарини” ташламаган экан.

Судда С.С. айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмагани, пулларни эҳтиёжга ишлатганлиги, ҳозирда содир қилган ҳаракатларидан пушаймонлиги, оилавий шароити, моддий за-

рар қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўради.

Суднинг ҳукми билан С.С.га 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Умрини бесамар ўтказиб, ўзгаларни алдашни “қасб” қилган бу аёл қилмишини кечириб бўлмайди. С.С. ҳалол меҳнат билан жамиятга фойда келтириш ўрнига ўзгаларни чув тушириш пайида бўлди. Аёллик шаънига доғ туширди. Бу иснод уни бир умр таъқиб қилади. Энг ёмони, фарзандлари вояга етганда, она уларнинг кўзига қандай қарайди? Бу аламли саволнинг жавоби эса...

**Рустамжон РАҲМОНОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Миробод туман судининг судьяси.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 20-, 14-, 42-умумтаълим мактабларида “Фуқаро муҳофазаси” куни тадбирлари ўтказилди.

## “ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ” КУНИ



Мазкур тадбирларда табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятларда ўқувчи-

ларни тўғри қарор қабул қилиш ва ҳаракатланишга ўргатиш, уларнинг бу борадаги тушунча, билим ва кўникмаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилди.

Тадбир давомида шартли равишда зилзила содир бўлганда ўқувчиларнинг тўғри ҳаракатланиш бўйича билим ва кўникмалари амалда кўриб ўтилди.

**Н.ИСЛАМОВ,**  
**Сурхондарё вилояти ФВБ**  
**ҲФХУМ бошлиғи, капитан.**  
**Ч.ИМОМОВ,**  
**марказ ўқитувчиси.**

## УЧРАШУВ

Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги 26-умумтаълим мактабида “Қутқарувчи ва ёшлар” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.



Унда туман ФВ бўлими 6-ёнғин-қутқарув қисми шахсий таркиби томонидан махсус техникалар ва қутқарув анжомларининг имкониятлари, ҳафтанинг ҳар чоршанба куни

ўтказилаётган “Фавқуллода вазиятлар профилактикаси куни” муносабати билан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида тушунчалар берилди.

Сўнг бўлим бошлиғи ўринбосари капитан Баҳодир Норбобоев томонидан ўқувчи-ёшларга ёнғин, зилзила ва сел вақтида тўғри ҳаракатланиш ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш тартиби батафсил тушунтирилди.

Тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

**Ёдғор ҚОДИРОВ,**  
**Жиззах вилояти ФВБ ахборот**  
**хизмати етакчи мутахассиси.**

## MAVSUM BOSH LANDI, BIROQ...

Suv havzalarida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan noxush vaziyatlarning oldini olish maqsadida, Qamashi tumanidagi “Chimqo'rg'on” suv omborida “Cho'milish havzalarida xavfsizlikni ta'minlash” mavzusida kechiktirib bo'lmaydigan ko'rgazmali o'quv-seminari bo'lib o'tdi.



Унда вилоят ФВБ, Сog'liqni saqlash, Xalq ta'limi va viloyat Suv omborlari boshqarmalaridan jami 66 nafar mas'ul mutaxassis ishtirok etdi.

Seminar ikki bosqichda – nazariy va amaliy tarzda tashkil etilib, unda suv havzalariga borishdan avval zarur jihatlarga e'tibor qaratish muhimligi ta'kidlab o'tildi.

Zero, suvning musaffoligi, u xatardan xoli deyishga asos bo'lolmaydi. Suv orqali kishi turli teri-tanosil, ko'z kasalliklarini yuqtirib olishi hamda belgilanmagan joylarda cho'milish turli noxush holatlarni keltirib chiqarishi mumkin.

Tadbirda ishtirok etgan tibbiyot xodimlari suzish havzalarida har oy rejali ravishda haftada bir marta mikrobiologik, kimyoviy va parazitologik ko'rsatkichlar bo'yicha suv tarkibini o'rganish va tahlil o'tkazilishi, uning natijalariga ko'ra foydalanish uchun ruxsat etilishi yuzasidan ma'lumotlar berildilar.

Seminarining amaliy qismida viloyat FVB maxsus vazifalarni bajaruvchi muntazaviy otryadi suvda qutqaruv guruhining maxsus asbob-anjomlar ko'rgazmasi tashkil etilib, ulardan foydalanish bo'yicha tushunchalar berildi. Qutqaruvchilar tomonidan shartli ravishda suvda cho'kkan fuqarolarni izlash, topish hamda suvda cho'kayotgan fuqaroni qutqarish jarayoni amalda ko'rsatib o'tildi.

**Sohibjon VAYITOV,**  
**Qashqadaryo viloyati FVB aхborot**  
**xizmati rahbari, kapitan.**  
**Bobur HAMIDOV,**  
**HFХУМ boshlig'i, leytenant.**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари билан семинарлар ва ўқув машғулотларини ўтказиш орқали уларнинг фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда ҳаракат қилишга оид билимларини ошириб бориш асосий вазифалардан ҳисобланади.

## ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ



ҳаракат қилиш усуллари ўргатиб келинмоқда.

Жумладан, ФМИ Радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза кафедраси доценти А.Боймирозев ва бир гуруҳ мутахассислар томонидан жорий йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Алишеробод” МФИда маҳалла фаоллари ва мактаб ўқувчилари, март ойида Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги “Электрон ҳисоблагич” МЧЖ Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси ходимлари иштирокида “Фавқуллода ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти” мавзусида ўқув семинарлари ўтказилди.

Иштирокчиларнинг фуқаро муҳофазасига оид билим-малакалари мустаҳкамланди.

Тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Х.АЗИМОВ,**  
**ФВБ Академияси ҳузуридаги**  
**ФМИ катта ўқитувчиси.**

## СЕМИНАР

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида вилоят ФВБ ташаббуси билан ёз мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида шаҳар-туманлар халқ таълими бўлими масъуллари, Гулистон шаҳридаги мактаблар директорлари ва ўқитувчилари иштирокида семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Миллий Гвардияси вилоят бошқармаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари томонидан чўкиш ҳолатларининг олдини олишда бажарилиши лозим бўлган талаблар яна бир бор эслатиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда масъуллар томонидан сув ҳавзаларида чўмилиш қоидалари, чўкканда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари амалда кўрсатиб берилди.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
**Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.**  
**Асрор ГАЗИХОДЖАЕВ, Гулистон шаҳар ФВ бўлими бошлиғи, майор.**

## АРХИВ ИШИ ФАОЛИЯТИ

Хоразм вилояти Хива шаҳрида “Ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, архив ишини янада яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил қилинди.

Унда ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар махфий ва номахфий иш юритиш, маълумот ва архив ишлари гуруҳлари бошлиқлари иштирок этдилар.

ФВБ масъул ходимлари томонидан ўқув-амалий семинар жараёнида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизومي юзасидан мавжуд камчиликлар танқидий муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тадбир иштирокчиларига тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Семинарда Урганч ҳарбий прокуратураси терговчиси Н.Турдалиев ва Хива шаҳар адлия бўлими бошлиғи Ж.Мирзаевлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ижро.гов.уз”



ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди.

Тадбир вилоят Архив иши ҳудудий бошқармасида давом эттирилиб, иштирокчилар бошқарма фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Ҳожиакбар РУСТАМОВ,**  
**Фурқат ИБРАГИМОВ,**  
**Хоразм вилояти ФВБ ходимлари.**

## ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

“Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ва ФВВ Академияси ҳамкорлигида “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида донорлик тadbири бўлиб ўтди. Тадбир Республика марказий қон қуйиш маркази сайёр гуруҳи бўлим бошлиғи Зулфия Исмоилова раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассис шифокорлар ва ҳамширалар томонидан ўтказилди.



Мазкур донорлик акцияси тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, бемор болалар ҳаётини сақлаб қолиш, шунингдек, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган бўлиб, унда академия ҳарбий хизматчилари ва курсантлар фаол иштирок этдилар.

Акция якунида унда фаол қатнашган ҳарбий хизматчилар ва курсантларга партиянинг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси,  
майор.

\*\*\*

Мазкур хайрия акцияси ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида ҳам ташкил қилиниб, унда институт ҳарбий хизматчи ва хизматчилари кўнгилли донор сифатида фаол иштирок этдилар.

Тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика қон қуйиш маркази мутахассислари томонидан ўтказилди.

Беғараз донорлик – кимнингдир саломатлиги,



унинг ҳаёти учун ҳада этиладиган бебаҳо неъмат, айниқса, у болалар саломатлигига қаратилган бўлса, янада савобли ва хайрли тadbирлардан бири бўлади, десак хато қилмаган бўламиз. Зеро, ёш авлоднинг саломатлиги ва баркамол инсонлар бўлиб улғайиши мамлакатимизнинг нурули эртасини таъминлаш демакдир.

**Н.ЮСУПОВА,**  
ФВВ Академияси  
ҳузуридаги ФМИ  
тиббиёт  
пункти ҳамшираси.

“Навоийазот”АЖда “Кучли таъсир этувчи захарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши билан боғлиқ аварияларда объект раҳбарияти, қутқарув тузилмалари ҳамда ФВДТ хизматларининг ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

## БЕШ БОСҚИЧДА КЎРИЛДИ

Ўқув машқи 5 босқичда ўтказилиб, биринчи босқичда объектда КТЭЗМ (аммиак) тарқалиши билан боғлиқ ФВ оқибатларини бартараф этишга жалб этилган куч ва воситаларнинг саф кўриги ташкил қилинди.

Иккинчи босқичда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш штаби фаолиятини ташкил этиш, объект навбатчи диспетчерининг хабар бериш бўйича ҳаракатлари кузатилди. Учинчи босқичда кимёвий зарарланган майдонни аниқлаш ва чегаралаш, 920-цеҳнинг аммиак сақлаш омборида содир бўлган аварияни бартараф этиш, шунингдек, жабрланганларни қутқариш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амаллари бажарилди.

Кейинги босқичларда эса за-

рарланган ҳудудда фаолият олиб борган ходимларни махсус ишловдан ўтказиш ҳамда Кармана тумани ҳудудидаги “Хончорбоғ” МФЙ аҳо-

лисини хавфсиз ҳудудга кўчириш тadbирлари намойиш этилди.

**М.АБДИЕВ,**  
Навоий вилояти ФВБ  
бўлим бошлиғи,  
катта лейтенант.



Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, тегишли вазирликлар ҳамда идоралар ҳамкорлигида Сирдарё вилоятида “Ёш қутқарувчи” спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

## ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Мазкур мусобақанинг Сурхондарё вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритган ёш халоскорлар таркиби – Денов туманидаги 81-умумтаълим мактабининг “Қалқон” жамоаси мусобақанинг республика босқичида фаол иштирок этиб, 3-ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, мазкур беллашувда ИИВ Сурхондарё академик лицейининг “Лочин” жамоаси ҳам фаол иштирок этиб, номинациялар бўйича голибликни қўлга киритди.

Ёш қутқарувчилар Термиз те-

мир йул вокзалида тантанали кутиб олиниб, уларни тақдирлаш маросими ташкил қилинди.

Унда вилоят ҳокими ўринбосари А.Абдурахмонов, вилоят ФВБ бошлиғи Н.Қодиров ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Ўтаевлар иштирок этдилар.

**Н.ИСЛОМОВ,**  
Сурхондарё вилояти ФВБ  
ҲФХҲМ бошлиғи, капитан.

**Ч.ИМОМОВ,**  
марказ ўқитувчиси.

## МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК

Оққўрғон тумани ФВ бўлими томонидан Оққўрғон дон қабул қилиш шохобчасида ҳамда “Оққўрғон Агросервис” МЧЖда фавқулодда вазият ҳамда ёнгинларнинг олдини олиш бўйича соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда амалий-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Машгулот давомида галла мавсумида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор қоидаларга риоя қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тadbирлар тўғрисида айтиб ўтилди.

Хусусан, йиғим-теримда ишлатиладиган комбайнлар, тракторлар ва бошқа транспорт воситалари соз учкун сўндиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан тўлик жиҳозланиши лозимлиги, галлазор-

лар яқинида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш қатъиян ман этилиши, шунингдек, ўрим майдонлари яқинида плугли тракторларда навбатчилик ташкил қилиниши шартлиги алоҳида таъкидланди.

**Азизбек ҚЎШАҚОВ,**  
Оққўрғон тумани ФВ  
бўлими НТБ бошлиғи,  
капитан.

## ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Статистик маълумотларга кўра, чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг 99 фоизи эҳтиётсизлик ва белгиланмаган жойларда чўмилиш, ёш болалар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг 95 фоизи ота-она назоратидан четда қолган, тақиқланган ҳудудларда чўмилиш оқибатида содир бўлар экан.

Очиқ сув ҳавзалари инсон ҳаёти учун хавфлидир. Яна бир ҳақиқат шуки, сузишни билиш хавфсизликка кафолат бўла олмайди.

Шундай экан, сув ҳавзаларида чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда бир қатор

қоидаларга амал қилиш зарур.

Ҳеч қачон белгиланмаган жойларда (дарё, сой, қўл, сув омбори, канал ва ариқ) чўмилманг ва сув ҳавзалари атрофида ўрнатилган махсус белгиларга қатъий амал қилинг.

Ёзги таътил даврида болаларнинг белгиланмаган жойларда чўмилишларига йўл қўйманг, уларни назоратсиз қолдирманг.

Спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўмилишга борманг, фақатгина рухсат этилган махсус сув ҳавзаларида чўмилинг.

**Ж.БАҲРОМОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ ЁХТТЗБ  
бошлиғи, подполковник.

**Ж.АБДУҚАЮМОВ,**  
бўлим бошлиғи  
ўринбосари, подполковник.

## PROFILAKTIK SUHBATLAR



Daryo, kanallarda cho'milish, har xil teri kasalliklari va cho'kish bilan bo'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida Bekobod shahar FV bo'limi tomonidan Sirdaryo daryosi, Do'stlik, Xazyaz va Dalvarzin kanallari yoqalariga "Cho'milish taqiqlanadi" belgili bannerlar ilinib, aholiga mazkur joylarda cho'milmaslik yuzasidan profilaktik suhbatlar olib borilmoqda.

**M. MIRMAHMUDOV,**  
Bekobod shahar FV bo'limi inspektori, leytenant.

Самарқанд вилояти ФВБ, ИИБ, Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, ОАВ вакиллари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида "Вилоятнинг чўмилиш ҳавзаларида хавфсизликни таъминлаш чоралари" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

## АМАЛИЙ САБОҚ

Тадбирда маърузачилар томонидан чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг юз бермаслиги учун авваламбор, чўмилиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ва бунинг учун амалга оширилмаган ҳаракатлар хусусида маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек, тақиқланган жойларда чўмилиш, катер ва қайиқларга яқин сузиб

бориш, ёш болаларни сувда қаровсиз ташқарига чиқиш, кўприк, дамба ва кемалардан сувга сакраш, нотаниш жой-



ларга шўнғиш мумкин эмаслиги ва яна бир қатор талаблар эслатиб ўтилди.

Семинарнинг амалий қисмида вилоят ФВБ минтақавий қутқарув отрядининг сувда қидирув гуруҳи аъзоларининг асбоб-анжомлари намойиш этилиб, бошқарувни йўқотиш натижасида сув ҳавзасига тушиб кетган транспорт воситасини сувдан олиб чиқиш ва сувда чўкиш ҳолатларида қутқарув жараёнлари кўрсатиб берилди.

**Илҳомжон БОҚИЕВ,**  
Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.

## ОРОМГОНЛАР О'РГАНИЛДИ

Shu yilning yoz mavsumida bolalarni dam oldirish va sog'lomlashtirishga tayyorgarlik ko'rish, favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida viloyat hududidagi 4 ta davlat tasarrufidagi va 14 ta tadbirkorlik subyektlariga tegishli yozgi dam olish oromgohlarida tegishli idora vakillari bilan hamkorlikda olib borilgan tekshirish va o'rganishlar jarayonida yong'in xavfsizligini ta'minlashga doir 198 ta kamchilik aniqlanib, shundan 126 tasi joyida bartaraf ettirildi. 288 nafar ishchi-xizmatchilar o'rtasida favqulodda vaziyatlarda harakatlanish va xavfsiz hududlarga evakuatsiya qilish bo'yicha suhbat va yo'riqnomalar o'tkazildi.



Tadbirlar davomida 7 ta yozgi dam olish oromgohlarida tekshiruvlarni elektron ro'yxatga olish yagona tizimida ro'yxatdan o'tkazish orqali vakolatli organni xabardor etish tartibida tekshiruvlar o'tkazilib, 6 ta nosoz elektr moslamalaridan foydalanish 13-band qarori asosida taqiqlanib, yong'in xavfsizligi qoidalariga riya qilmagan 5 nafar mansabdor shaxsga nisbatan ma'muriy bayonnomalar rasmiylashtirildi.

Hozirda bu boradagi profilaktik tadbirlar davom ettirilmoqda.

**Sherzod ABDIRAHMONOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB bosh inspektori, mayor.  
**Eibek YULDOSHEV,**  
Shahrisabz shahar FV bo'limi inspektori, katta leytenant.

Shuningdek, oromgohlarda mavsum davomida favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlash yuzasidan javobgar shaxs va ishchi-xizmatchilar bilan suhbat va yo'riqnomalar o'tkazib borish maqsadida Favqulodda vaziyatlar boshqarmasining 18 nafar tajribali harbiy xizmatchilarining tun-u kun navbatchiligi tashkil etilgan.

Qashqadaryo viloyatining Shahrisabz shahri, Shahrisabz, Yakkabog' va Kitob tumanlari xalq ta'limi bo'limlari majlislar zalida viloyat hududidagi barcha bolalarni yozgi dam oldirish va sog'lomlashtirish oromgohlarining direktorlari va bosh yetakchilari hamda tarbiyachilari ishtirokida "Oromgohlarda dam olayotgan va sog'lomlashtirilayotgan bolalar hamda ularga xizmat ko'rsatayotgan xodimlarning favqulodda vaziyatlar bo'yicha hushyorligini oshirish" mavzusunda o'quv-seminarlari o'tkazildi.

## O'QUV SEMINARLARI



Mazkur tadbirlarni O'zbekiston Kasaba uyushmalari federatsiyasi viloyat kengashi bo'lim boshlig'i F.Mahmudov kirish so'zi bilan ochib, kun tartibidagi mavzu dolzarbligiga to'xtaldi.

Shundan so'ng viloyat FVB HFXO'M boshlig'i leytenant B.Hamidov, markaz katta o'qituvchisi O.Cho'liyev, Shahrisabz shahar, Shahrisabz, Kitob va Yakkabog' tumanlari FV bo'limlari FVDT va FM bo'linmasi boshliqlari, shahar va tumanlar tibbiyot birlashmalari va sanitariya-epidemiologik osoyishtalik jamoat xizmati mutaxassislarning "Aholi va hududlarni tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishni tashkil etish", "Cho'milish suv havzalarida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz holatlar va ularning oldini olish", "Oromgohlarda "FM kuni"ni va "Yosh qutqaruvchi"

musobaqalarini tashkil etish hamda o'tkazish", "Tog'li hududlarda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlar", "Jarohatlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish", "Bolalarni yozgi dam oldirish va sog'lomlashtirish oromgohlarining sanitariya-gigiyena holati va dezinfeksiya ishlarini amalga oshirish" kabi mavzulardagi ma'ruzalari tinglandi.

Tadbirlar davomida ishtirokchilar va mutaxassislarning o'zaro savol-javoblari hamda qizg'in muhokama tashkil etildi.

**B.HAMIDOV,**  
Qashqadaryo viloyati FVB HFXO'M boshlig'i, leytenant.

**O.CHO'LIYEV,** katta o'qituvchi.

## ЁЗ – ЎТСИН СОЗ

Айни ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида Нурафшон шаҳар ФВ бўлими ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, шаҳардаги 57-, 48- ва 26-умумтаълим мактабларида соғломлаштириш майдончалари ўқувчиларнинг дам олиши учун барча шароитлар яратилляпти.

Бўлим ходимлари мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида соғломлаштириш майдончаларида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида танлаб олинган масканларда ёнғинга қарши ҳолатларни ўрганиб, маскан раҳбарларига керакли тавсияларни бериб бормоқдалар.

Шунингдек, оромгоҳларнинг ички ва ташқи ёнғинга қарши сув таъминоти, биноларнинг том қисмидаги ёғочли қурилиш конструкцияларига махсус кимёвий суюқлик билан ишлов берилганлиги, хоналарнинг эвакуация

чиқиш эшиклари, масканларнинг ёнғинни автоматик равишда хабар берувчи мослама ва ёнғиндан хабар бериш тизимларининг созлиги, электр сим ва кабелларнинг ташқи ҳимоя қобиқларининг лаборатория усулида текширувдан ўтказилганлиги, масканларнинг бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлиги каби ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

**Зафаржон ТУРАПОВ,**  
Нурафшон шаҳар ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, катта лейтенант.

Сувда чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 13-, 14-умумтаълим мактабларида профилактик учрашувлар ўтказилди.

## ТАРФИБОТ



Унда туман ФВ бўлими томонидан ўқувчиларга назоратсиз жойларда, оқим кучли бўлган ариқ ва каналларда чўмилиш кераклиги айтиб ўтилди.

Ўқувчилар тадбир давомида чўкиш хавфи юзага келганда ўзи ва ўзгаларни қутқариш усулларини амалда синаб кўрдилар.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,**  
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

**Ҳасан АБДУСАМАТОВ,**  
Ховос тумани ФВ бўлими бошлиғи, капитан.

## ПРОФИЛАКТИК КУН

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобиль транспорт бошқармасига қарашли ишчи-хизматчилари иштирокида “Чоршанба – фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси куни”га бағишлаб кенг қамровли тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди.



Сўнги вақтларда ёнғинлар асосан тоғ-кон техникаларида содир бўлаётганлигини инobatга олиб, Шимолий кон бошқармасига қарашли Автомобиль транспорт бошқармаси объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими ҳам асосий эътиборни ана шу ёнғинларнинг олдини олишга қаратган.

Ҳозирги кунда корхонада 120 дан ортиқ техника мавжуд бўлиб, буларнинг асосий қисмини “БелАЗ”, “КАТ” ва “КАМАТСУ” русумли автотранспортлар ташкил қилади.

Таркибда қимматбаҳо рангли металллар мавжуд бўлган карьердан қазиб олинган маъданларни ташишга мўлжалланган бундай ўзи ағдаргич транспорт воситаларининг ёнғинга қарши ҳолатининг талабга

жавоб бериши муҳим, албатта.

Шу боис, соҳа ходимлари томонидан ҳайдовчилар ва ишчи-ходимларга доимий равишда тушунтириш ва тарғибот ишлари ҳамда улар иштирокида ҳар хил кўргазмали ўқув машғулоти ташкил қилинади.

Аҳамиятlisi, ушбу транспорт воситалари ёнғин содир бўлганда ўзини ўзи учиршига мўлжалланган тизим билан жиҳозланган бўлиб, бу катта талафотларнинг олдини олади. Учрашув жараёнида ҳайдовчилар билан суҳбатлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан ушбу техникаларга масъул ва бевосита бошқаришга жавобгар ишчи-хизматчиларга тегишли тартибда тавсиялар берилди.

**Хилола ХУДОЙҚУЛОВА,**  
бўлим катта инспектори  
майор.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК Ёнғин хавфсизлигини  
таъминлашни ташкил этиш  
маркази гуруҳ бошлиғи,  
катта сержант.

## ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Бунёдкорлик ишларини бажаришда жорий йилда Андижон вилоятида жами 2250 та ер майдонларини ажратиш бўйича мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг ёнғин хавфсизлиги меъёр талабларига риоя қилинган ҳолда тўғри ажратилганлиги, вилоят ҳудудидаги бунёдкорлик ишлари олиб бориладиган 390 та масканда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш, қурилаётган биноларнинг меъёр талаблари асосида барпо этилиши ва уларнинг ёнғин ўчириш асбоб-анжомлари билан жиҳозланиши, шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишда вилоят ФВБ томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, шаҳарсозлик соҳасида юқори турувчи ташкилотларга жами 261 та ахборот ва тақдимномалар киритилиб, қурилиш ишлари даврида шаҳарсозлик нормалари ва талабларига риоя қилиниши масаласида жами 500 та қурилиш объектлари ҳамда 517 та маҳалла, корхона ва ташкилотларда профилактик тадбирлар ўтказилган.

Уларда 2455 нафар қурувчи, пудратчи ва ишчилар ҳамда 9442 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар, йиғилишлар ва учрашувлар олиб борилди. Қурилиш объектларига 500 дан ортиқ эслатма ва йўриқномалар тарқатилди.

**У.ҚОСИМОВ,** Андижон вилояти ФВБ  
бўлим бошлиғи, майор.

## ЎРГАНИШ ВА ТАВСИЯ

Жиззах вилояти Зомин тумани ФВ бўлими томонидан газ таъминоти, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди.



Айни кунларда болалар оромгоҳларида иш қизгин. Таътилда дам олувчи болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб масала. Шу сабабли, соҳа ходимлари томонидан оромгоҳларнинг хавфсизлик ҳолати доимий равишда текширилиб турибди. Зомин болалар оромгоҳида ўтказилган профилактик тадбир ҳам шулар жумласидан. Таҳлилларга кўра, содир бўлган ёнғинларнинг ҳар учдан биттаси

электр ускуналаридаги носозлик натижасида юзага келмоқда. Шу сабабли, мутахассислар томонидан электр трансформаторлари, қисқа ташувдан ҳимояловчи жиҳозларнинг ҳолати, электр энергияси ва табиий газда ишловчи печларнинг созлиги текширилди, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг тўлиқлиги назоратдан ўтказилди. Ишчи-ходимларга йўриқнома берилиб, ёнғинга қарши чора-тадбирлар тушунтирилди.

**Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,**  
Жиззах вилояти ФВБ  
ахборот хизмати бошлиғи,  
капитан.

**Ёдгор ҚОДИРОВ,**  
бошқарма етакчи  
мутахассиси.

Аҳоли турар жойларида суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланишда белгиланган қоидаларга доим риоя қилинг.

## ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ



Газ ҳўжалигида хавфсизлик қоидаларига асосан, газ баллонини ўрнатиш учун лойиҳа ишлаб чиқилади ва жойлардаги газ идоралари билан келишилади. Шундан сўнг ишлатишга рухсат берилади. Агар лойиҳа бўлмаса, газ баллонидан фойдаланиш тақиқланади. Битта хонадонда 2 тадан ортиқ газ баллони сақлаш ва ишлатиш мумкин эмас. Газ плитаси эшик, дераза ва электр розеткадан 0,5 метр масофада ўрнатилиши лозим.

Газ плитаси ўрнатилган хонада фақат бир дона газ баллонидан фойдаланиш ва сақлашга рухсат этилади. Бунда хона ичидаги ҳарорат +45 даражадан ошмаслиги, газ баллони газ плитасидан камида 1 метр, иситиш радиаторлари ёки печкалардан камида 2 метр узоқликда ва махсус темир шкафларда ўрнатилиши лозим. Суюлтирилган газлар хусусиятига кўра ҳаво-

дан оғир бўлганлиги ва газ сизиб чиққанда чуқурликда тўпланиши эътиборга олинди, газ баллонлари 1-қаватда жойлашган эшик ва деразалардан ярим метр, ертўла шаклидаги қаватларнинг эшик ва деразаларидан ҳамда канализация люклари ва чуқурликлардан камида 3 метр узоқликда жойлаштирилиши шарт.

Олов ёрдамида газ сизиш жойларини аниқлаш, кўп қаватли биноларда, ертўла, кириш йўлаклар, яшаш хоналарида (фақат икки қаватли 4 хонали хонадонлардан ташқари) суюлтирилган газ баллонларини сақлаш ва ўрнатиш асло мумкин эмас.

Газ баллонларини суюлтирилган газ билан белгиланмаган жойда тўлдириш қатъиян ман этилади.

**Ш.АКРОМХўЖАЕВ,**  
Қйрай тумани ФВ  
бўлими 25-ЁҚҚ смена  
бошлиғи, майор.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда тарғибот тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Буни ҳар биримиз яхши билишимиз лозим.

## ЁНЎИН ХАВФСИЗЛИГИ

Ёнғинга қарши тарғибот аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда жамиятни оммавий ахборот воситалари, махсус адабиётлар ва реклама маҳсулотларини нашр этиш ҳамда тарқатиш, муайян мавзуга бағишланган кўргазмалар, кўриклар, конференциялар ўтказиш ва аҳолини хабардор қилишнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шаклларида фойдаланиш орқали ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабардор қилишдир.

Ёнғинга қарши тарғиботни ваколатли органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва фуқаролар ўтказди.

Ташкилотларнинг ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш иш берувчилар (маъмурият, мулкдорлар) томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган ва Фавкулдда вазиятлар вазирлиги билан келишилган махсус дастурлар бўйича олиб борилади.

Мақтабгача таълим муассасаларида болаларга ва бошқа таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни мажбурий тарзда ўргатиш мажбурий муассасалар томонидан тегишли ваколатли органлар тасдиқлаган махсус дастурлар бўйича амалга оширилади.

Бу каби тадбирларда ҳар биримиздан фаол иштирок этиш талаб этилади. Зеро, ўзимиз, оиламиз хавфсизлиги, аввало, ўзимизга боғлиқ.

**Мухаммад НОРБОВЕВ,**  
Тошкент шаҳар ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ  
мутахассиси, оддий аскар.

## РИЗҚ-РЎЗ МАНБАИ

Навоий вилояти ғаллакорлари бу йил ҳам бошоқли дон экинларидан мўл ва баракали ҳосил олиш учун катта меҳнат қилмоқда. Етиштирилган бебаҳо неъматни нобудгарчиликсиз, ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун барча куч ва воситалар сафарбар қилинган.

Вилоят ФВБ ва унинг қўйи тизим ходимлари ҳам ғаллакорларга яқиндан кўмак беришмоқда. Улар далалардаги мавжуд ҳосилни ёнғиндан муҳофаза қилиш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириб, хўжаликлардаги ғаллазорларда ўрим-йиғим мобайнида амал қилиниши лозим бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларининг бажарилишини назорат қилиш билан бирга, ўримга жалб этилган. Тадбирлар давомида ҳар бир комбайн ҳамда дон ташувчи транспорт воситаларининг ёнғин-техник ҳолатлари текширилиб, комбайнчи операторлар ва ҳайдовчиларга ёнғин хавфсизлиги қоидалари талаблари бўйича йуриқномалар берилди.

Дон маҳсулотларини қабул қилиш масканларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига чорловчи эслатма ва йуриқномалар тарқатилиб, масканларда ўтказилган ўрганишлар давомида йиғим-теримга жалб қилинган ишчи-хизматчилар билан фавқулодда ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби ҳамда дастлабки ёнғин учирини воситаларидан фойдаланиш тўғрисида суҳбат ва йуриқномалар ўтказилди.

Ҳозирда бу борадаги тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**М.КУЛБАБАЕВА,**  
Навоий вилояти ФВБ ОАВ  
ва ЖТБХҚ бошлиғи,  
подполковник.



## АСР ВАБОСИ

Тиббиёт қўлланмаларида келтирилишича, қорадори инсон организмга киргач, ичакларга сўрилиб, қориндаги қон айланиш йўли билан жигарга етиб боради. Натижада жигар ҳужайралари таъсирланиб, цирроз касаллигини келтириб чиқаради. Қорадори қайта-қайта истеъмол қилиниши оқибатида жигар циррози кучайиб боради. Жигар кичрайиб, қотиб қолгач, фаолияти сусаяди. Унинг ҳужайралари атрофида ёғлар чўкиб қолади.

Гиёҳванд моддаларнинг оқсиллари халақат бергани учун йиғилиб қолган зарарли моддалар қон айланиши билан марказий асаб тизимига қадар етиб боради. Асаб ҳужайралари ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолатга келгач, беморнинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-аччиқни сезиш қобилияти йўқолади.

Маълумки, асаб ҳужайралари ҳаёт моддаси саналмиш протоплазмадан таркиб топган. Қорадори етиб бориши натижасида у ўз ҳаракатини тезлаштиради ёки ўта сусайтиради ёхуд тиришиш-тортишиш ҳолати пайдо бўлади. Протоплазмага ўтказилган бундай салбий таъсирлар кишини гиёҳванд модда истеъмолсиз яшай олмайдиган ҳолатга келтириб қўяди. Кашанда асабларини бир оз бўлса ҳам тинчлантириш мақсадида гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишга мажбур бўлади. Ухлай олмаслик, сустлик, иштаҳасизлик, ғамгинлик, кўзнинг ёшланиши, титроқ, увишиш, томиларнинг бўртиб чиқиши, юрак ўйнаши, кўнгил айнаши, қайт қилиш каби хасталикларга мубтало бўлади. Унинг кўзига гиёҳванд модда ёки уни сотиб олиш учун керакли маблағдан

бошоқ нарса кўринмайди. Уларни кўлга киритиш учун ҳар қандай қабих ишдан ҳам қайтмаслиги хатарли оқибатлардан дарак беради.

Шу сабабли маҳаллалар, мактаблар, ўқув юртлари билан ҳамкорликда балоғат ёшидаги ўсмирлар билан ўтказиладиган мулоқотларнинг аҳамияти катта. Чунки илмий изланишларга кўра, наркотиклар билан илк маротаба танишиш одатда 15-17 ёшлилар орасида бошланган экан. Ўсмирлик даврида инсон гормонал жиҳатдан жуда тез ривожланади. Бу даврдаги ёшларнинг психо-физиологик ҳолати динамик жиҳатдан ниҳоятда жўшқин ўзгаришларга бой бўлади ва ўзига хос тарзда ифодаланади. Шу боис ота-оналар, ўқитувчилар ва маҳалла аҳлининг ўсмирлардаги бу ўзгариш ва аломатлардан бохабар бўлишлари жуда муҳим.

Шундай экан, аср вабоси деб аталган гиёҳвандлик иллатига барчамиз биргаликда курашимиз, ёш авлдони унинг даҳшатли чангалдан ҳамisha ҳимоя қилишимиз лозим.

**А.БЕКНИЯЗОВ,**  
**Б.МАТКАРИМОВА,**  
Хоразм вилояти ФВБ  
ходимлари.

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” қўшма корхонасида ғалла ўрими юқори савияда ташкиллаштиришга оид тадбир бўлиб ўтди.

## “БЕК КЛАСТЕР”ДА МАШҒУЛОТ



Унда дастлаб комбайн ва ёрдамчи техникаларнинг оператор ҳайдовчилари билан йуриқномалар ўтказилди. Йуриқнома давомида ғалла ўрими даврида нималарга эътибор қаратиш, шунингдек, ёнғин содир бўлганда қай тарзда ҳаракатланиш зарурлиги тушунтирилди.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларга амал қилиниши лозим бўлган қоидалар акс этган йуриқномалар тарқатилиб, комбайнларнинг кўринарли қисмига жойлаштирилди.

Тадбир давомида мавсумга жалб этилган ишчи-хизматчиларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида шартли равишдаги ёнғин ҳолати ҳайдовчилар томонидан бартараф этилди.

**Давронбек СУЛАЙМОНОВ,** Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

**Элёр АЛИҚУЛОВ,**  
Мирзаобод тумани ФВ бўлими бошлиғи уринбосари,  
капитан.

**G'alla mavsumiga tayyorgarlik ko'rish hamda uni betalafot o'tkazish maqsadida Xonqa tumani FV bo'limi tomonidan mavsum yig'im-terimida ishtirok etadigan kombayinlar ko'zdan kechirildi.**

Ishchi va haydovchilarga kerakli ko'rsatmalar berilib, kamchiliklar bartaraf qilindi. Shuningdek, yong'in xavfsizligi va yo'l harakati qoidalariga amal qilish kerakligi bo'yicha yo'riqnomalar o'tkazilib eslatmalar tarqatildi.

**R.QADAMBOYEV,**  
Xonqa tumani FV bo'limi xodimi,  
katta leytenant.

## MAVSUMGA TAYYORGARLIK



## НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ – МОДДИЙ ЗАРАР

● **Ҳақиқатан ҳам шундай. Барча қурилиш ишлари қонуний равишда, лойиҳа асосида бўлмоғи керак. Акс ҳолда ноқонуний қурилишга сарф бўладиган маблағлар зое кетади.**

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб шаҳарсозлик ишлари авж олиб бормоқда. Хусусан Андижон шаҳрида бу борада жадал бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Куча ва маҳаллалар бўйлаб юрадиган бўлсангиз, албатта, муҳташам қад ростлаётган биноларга кўзингиз тушади.

Афсуски, фуқаролар ноқонуний қурилишларга ҳам маблағ сарфлаб юборишаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Масалан, кўп қаватли уйлар ёнларига, мактаб, боғча ёки шифохона атрофларига, маҳалла гузарларига савдо ишлари қилиш ниятида кичик-ки-

чик дўкончалар қуриб олишмоқда, баъзилар эса ўзбошимчилик билан пайнет, қассобхона, сартарошхона, сомсахона каби дўконлар қуриб олишаётганлигига кўзимиз тушади.

Аслида ҳар қандай қурилиш ишлари маҳаллий ҳокимият

органлари ёки шаҳар ва туман ҳокимликларининг қурилиш ишлари бўйича вакилларининг рухсати билан амалга оширилиши лозим. Текширишлар жараёнида маълум бўлмоқдаки, юқоридаги ҳолатларнинг аксарияти рухсатсиз амалга оширилган.

Шу маънода фуқароларимизга эслатиб ўтмоқчимизки, қурилиш ишлари қилмоқчи бўлсангиз, албатта, зарур талаблар асосида амалга оширинг. Ана ўшандагина сарфланган маблағингиз зое кетмайди.

**С.ЗУЛУНОВ,**  
Андижон вилояти ФВБ ОАВ ва  
ЖТБХҚ бошлиғи, майор.  
**У.ҚОСИМОВ,**  
Андижон шаҳар ФВ бўлими  
НТБ бошлиғи, майор.



# БОТҚОҚ ГАЗИ

Табиатдаги кўпгина газлар инсон учун хавф манбаи ҳисобланади. Республикаимизнинг турли вилоятларида ҳар йили газдан заҳарланиш оқибатида ўлим билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлиб туради.



Метан рангсиз, ҳидсиз бўлиб, органик моддаларнинг бактериялар таъсирида тезда чиришидан ҳосил бўлади. Уни одатда ботқоқлик ёки кондаги газлар дейилади.

Кўп ҳажмдаги метан, асосан эриган ҳолатда нефть кўплаб тўпланган жойларда учрайди. Ер қаърида ҳаво ҳаракати йўқлиги сабабли ернинг юқори қисмига ўтиши ва йиғилиши мумкин. Шаҳар шароитида метан кўп ҳолларда ертўлалар, канализация ва чуқурликларда йиғилади. Унинг сизиб чиқишидан инсонларда ҳаво етишмаслик ҳолати пайдо бўлиб, бўғилиши мумкин. Метаннинг ҳаво билан аралашмаси баланд овозда портловчи газ

деб номланувчи (гремучий газ) портловчи аралашма ҳосил қилган ҳолда алангаланиши ёки портлаши мумкин. Уни биноларнинг юқори қисмида фақатгина махсус ўлчов асбоблари ёрдамида аниқлаш мумкин, аммо юқори концентрацияда у кислородни ҳаводан сиқиб чиқаради.

Тупроқ кислоталилик даражасининг ортиши бу метаннинг ажралиб чиқиш аломатидир. У кулрангга кириб қолади, ўсимликлар эса нобуд бўлади. Қишда бу ерларда қорлар эриган ҳолда бўлади. Шуни билиш керакки, кам шамоллатиладиган хоналарда уйқудан кейин инсонларда доимий бош оғриқлар, уй ҳайвонлари ғайриоддий безовталанишлар сабаби метан бўлиши мумкин.

Метан йиғилишининг олдини олишнинг энг оддий усулларида бири – бу яшаш ва ёрдамчи хоналарни доимий шамоллатиб туришдир. Бу мақсадларда ҳар бир қудук, ўра, гаражларда бинонинг юқори қисмига йўналган иккита ҳаво йўлаги (труба) ўтказилади: келадиган (калтарок) ва сўрувчи (баландрок).

Сув ўтказувчи канализация қудуқлари, ертўла ва шахсий фойдаланишда бўлган чуқурликларда қандайдир ишларни бажаришдан олдин ушбу иншоотларни яхшилаб шамоллатиш ва бир қатор хавфсизлик қоидаларига амал қилиш керак.

Қудуққа тушишдан олдин унинг қанчалик газланганлигини газанализатор ёрдамида текширилади. Портлашнинг олдини олиш мақсадида қудук, ўра ва ертўлаларда газнинг мавжудлигини аниқлаш учун гугурт ёқиш, ёнаётган қоғоз ёки ёнаётган жисм, оддий фонар ёқиш ёки ёндириш мумкин эмас.

Уларда ишни бошлашдан олдин ёки газ мавжудлиги аниқланганда узоқ муддат табиий ёки сунъий шамоллатиш йўли билан газни йўқотиш чораларини кўриш зарур. Қудуққа, насос станциялари камерасига тушишдан олдин хавфсизлик арқонига боғланган камарни тақиш ва шахсий ҳимоя воситасини (противогаз) кийиш ҳамда газ аниқлагич олиш лозим. Қудуқда ишлаш вақтида доим газ аниқлагич билан газланганлик даражаси текшириб турилиши зарур.

Шундай экан, ҳар биримиз чуқурликларда, ертўла, гараж ва канализация қудуқларида таъмирлаш ишларини бажариш вақтида хавфсизлик талабларига риоя қилишимиз лозим.

**Сардор АГЛАЕВ,**  
Низомий номидаги ТДПУ  
ҳарбий кафедраси 3-босқич  
талабаси.



## Vaziyat

gazetasu

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллода**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

*Бош муҳаррир в.б.*  
**Азамат СУЮНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

*Навбатчи*  
**Б.ВАЛИЕВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-рақам  
билан руйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Катта дархон, 20-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 6880 нуска

### Биласизми?

## НЕГА ЁНҒИН ЎЧИРИШ ЧЕЛАКЛАРИ КОНУС ШАКЛИДА?



**Ёнғин ўчириш челақлари конус шаклида эканлигига эътибор берганмисиз?**

Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, конус билан очиқ сув ҳавзасидан сув йиғиш осонроқ, музлаб қолган қум ёки музни синдириш қулайроқ бўлади. Бундай челақдаги сув камроқ чайқалади.

Иккинчидан, конус орқали сувни ёнғин ўчоғига, айтилиқ том ёки шифтга осон йўналтириш мумкин.

Учинчидан, конус шаклидаги челақлардан кундалик ҳаётда умуман фойдаланилмайди. Бу шуни аниқладики, бундай челақни ёнғин ўчириш қалқонидан олиш мумкин эмас.

**Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Жиззах вилояти ФВБ Ахборот**  
**хизмати бошлиғи, капитан.**

## BOLA TARBIYASI

**Bola tarbiyasi o'ta mas'uliyatli va shu bilan birga sharaflı ish. Bu yo'lda ota-ona beminnat ustoz-murabbiy hisoblanadi. O'qituvchi o'z o'quvchisining qobiliyati, qiziqish va imkoniyatlarini hisobga olib, faoliyat yuritishi lozim.**



Ayniqsa, bu masala boshlang'ich sinf o'qituvchilari zimmasiga ulkan mas'uliyat yuklaydi. Gapirishda nuqsoni bor o'quvchilar bilan ishlash ham murakkab jarayonlardan biri. Shuning uchun har bir hududda logoped xizmatlari ish olib borsa, ko'zlagan maqsadga erisha olamiz. Afsuslar bo'lsinki, bunday logoped xizmati faqatgina tumanlarda faoliyat yuritadi. Ayrim hududlardagi oddiy oila farzandlari bu masalada tumanga qatnay olmaydi.

So'zlashuvda nuqsoni bor bolani atrofidagi bolalar kamsitmasligiga erishish, o'z navbatida pedagogning mahorati, psixologik qarashlariga bog'liq. Bu borada o'qituvchidan nafaqat kasbiy tayyorgarlik, balki shaxsiy yondashuv, murg'ak yurak egasini chin dildan seva olish qobiliyati

ham talab etiladi. Qachonki, kasbiy mahorat va hissiy yondashuv, mehrli munosabat uyg'unlashsa, o'shanda bolaning nuqsoni, fikrlashi, qo'yingki, uning dunyosini o'zgartirish va yanada go'zallashtirish mumkin bo'ladi.

Bu bir qarashda arzimasi tuyulishi mumkin, ammo unutmang, bola ertamizning egasi, yurtning tayanchidir. Bejizga "Bola tarbiyasi uchun davlatni boshqarishdan ko'ra ham chuqurroq, teranroq mushohada va uzoqni ko'ra oladigan donishmandlik kerak", -deya e'tirof etilmagan.

**Sanoat ABUQODIROVA,**  
**Toshkent viloyati Parkent**  
**tumanidagi**  
**49-umumta'lim maktabi**  
**o'qituvchisi.**